

Рамазон ойнинг фазилатлари



19:37 / 30.05.2017 7772

Аллоҳ таоло айтади:

«Рамазон ойида одамларга ҳидоят ҳамда ҳидояту фурқондан иборат очиқ баёноتلар бўлиб, Қуръон нозил қилинган» (Бақара сураси, 185-оят).

Ушбу оятда Рамазон ойининг бошқа ойлардан афзаллиги, уларга нисбатан устун эканига далолат бор.

Ушбу ойнинг фазилатларидан бири шуки, унда жаннат эшиклари очилиб, дўзах эшиклари ёпилади.

تَدْفُصَوْرَانِ لَأَبَاؤَبْ أَتَقُولُ عَوَّةً نَجَّ لَأَبَاؤَبْ أَتَحْتُفُ نَأْضَمَرَّ عَاجِ إِذَا لَأَقِ يَبْنَلِ نَع
رَهْ شُ نَمَّ ةَلْيَلُ لُ وَأَنْ أَكْ إِذَا يَذْمُرْتَلْ لَأَطْفَلِ وَ دُوَادِ أَبْ أَلْ ةَسْمَخُ لَأَهْ أَوْرُ نِي طَائِي شَلْ لَأ
بَابِ أَهْ نَمَّ حَتْفِي مَلَفِ رَانَ لَأَبَاؤَبْ أَتَقُولُ عَوَّةً نَجَّ لَأَدَرَمُ وَ نِي طَائِي شَلْ لَأ تَدْفُصَ نَأْضَمَرَّ
أَيُّ وَ لَبْقُ أَرْيَخُ لَأَبَاؤَبْ أَيُّ دَانُ مَيِّ دَانُ وَيُّ وَ بَابِ أَهْ نَمَّ قَوْلُ عِي مَلَفِ ةَنَجَّ لَأَبَاؤَبْ أَتَحْتُفُ وَ
ةَلْيَلُ لُ كَلْ كَلْ دَوْرَانِ لَأ نَمَّ ءَأَقْتُعْ هَلْ وَ رِصْقُ أَرْشَلْ لَأَبَاؤَبْ

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Рамазон келса, жаннат эшиклари очилур, дўзах эшиклари ёпилур ва шайтонлар кишанланур»**, дедилар».

Бешовларидан фақат Абу Довуд ривоят қилмаган.

Термизийнинг лафзида шундай дейилган:

«Рамазон ойининг биринчи кечасида шайтонлар ва ўзбошимча жинлар кишанланади, дўзах эшиклари ёпилади, уларнинг бирортаси очилмайди. Жаннатнинг эшиклари очилади, уларнинг бирортаси ёпилмайди. Бир нидо қилувчи: «Эй яхшилик истовчи, келиб қол! Эй ёмонлик истовчи, бас қил!» деб нидо қилади. Аллоҳнинг дўзахдан озод қилинган бандалари бўлади. Ҳар кеча шундай бўлади».

Рамазон ойи фазилатларидан яна бири Муҳаммад умматига берилган бешта хислатдир. Бу хислатлар Расули Акрам соллаллоҳу алайҳи васалламга берилган.

أَوْضُحًا " : مَلَسَ وَ هِيَ لَعْلَلُ لَيْلِ لَأَلْ لَأُوسَرَ لَأَقِ : لَأَقِ ، ةَرَجُعْ نَبِ بَعَكَ نَع
ةَجْرَدَلِ يَقْتَرَا مَلَفِ ، " نِي مَأ " : لَأَقِ ، ةَجْرَدِ يَقْتَرَا مَلَفِ ، أَنْ رَضَحَفِ ، " رَبَّنْمُ لَأ
مَلَفِ ، " نِي مَأ " : لَأَقِ ، ةَثَلْ لَأَلْ ةَجْرَدَلِ يَقْتَرَا مَلَفِ ، " نِي مَأ " : لَأَقِ ، ةَيِّنَا ثَلْ لَأ
كُنْمَ مَوِي لَأ أَنْ عَمَّ سَدَقَلْ ، ةَلْ لَأ لَأُوسَرَ أَيُّ أَنْ لُقَفِ : لَأَقِ ، رَبَّنْمُ لَأ نَع لَزَنْ ، عَرَفِ
نَمَّ دُعَبِ : لَأَقِ ، يَلْ ضَرَعَمَ لَأ سَلْ لَأ هِيَ لَعْلَلِ لَيْلِ رُبَجٍ نَأ " : لَأَقِ ، ءُ عَمَّ سَنْ نُنْ كَنْ مَلْ أَيْ شِ
نَمَّ دُعَبِ : لَأَقِ ، ةَيِّنَا ثَلْ لَأ تِي قَرَّ مَلَفِ ، نِي مَأ : تُتْلُقَفِ ، ءُ رَفْعُ عِي مَلَفِ ، نَأْضَمَرَّ كَرْدَأُ
دُعَبِ : لَأَقِ ، ةَثَلْ لَأ لَأ تِي قَرَّ مَلَفِ ، نِي مَأ : تُتْلُقَفِ ، كَيْ يَلْعَلْ صِي مَلَفِ ، ءُ دَنْ عَ تَرَكُذُ
: تُتْلُقَفِ : لَأَقِ هُنْ طَأ ، ةَنَجَّ لَأ هَالْ حُدِّي مَلْمُثُ ، ءُ مَدَحْ وَأُ ، ءُ دَنْ عَ رَبِّ كَلْ لَأ هِيَ دِلْ أَوْ كَرْدَأُ نَمَّ
نِي مَأ

مكاحل هاور.

Каъб ибн Ужрадан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам **«Минбар олдида тўпланинглари»**, деган эдилар, тўпландик. У зот минбар зинасининг биринчи поғонасига кўратилганларида «Омин!» дедилар. Иккинчи поғонасига кўтарилганларида ҳам «Омин!» дедилар. Учинчи поғонасига кўтарилганларида яна «Омин!» дедилар.

Хутба айтиб бўлиб, минбардан тушганларида: «Эй Аллоҳнинг Расули, бугун сиздан ҳеч эшитмаган нарсамизни эшитдик», дедик. У зот шундай дедилар: **«Жиброил алайҳиссалом менга рўпара келиб, «Рамазонга етиб кела туриб ҳам мағфират қилинмаган кимса йўқолсин!» деган эди, «Омин!» дедим. Иккинчи поғонага чиққанимда «Ҳузурда сени зикр қилишса, сенга салавот айтмаган кимса йўқолсин!» деган эди, «Омин!» дедим. Учинчи поғонага чиққанимда «Ота-онаси ёки уларнинг бири қариб қолган пайтида улар туфайли жаннатга кириб олмаган кимса йўқолсин!» деган эди, «Омин!» дедим».**

Ота-она туфайли жаннатга кириб олмаган одам уларга хизматда, муомалада нуқсонга, қусурга йўл қўйган бўлади.

Унинг фазилатларидан яна бири шуки, бу ойда минг ойдан афзал бўлган Қадр кечаси бордир. Аллоҳ таоло Қуръони Каримдаги бир сурани шу кечанинг номи билан номлаган:

БИСМИЛЛАҲИР РОҲМАНИР РОҲИЙМ

Биз Уни (Қуръонни) Қадр кечасида нозил қилдик. Лайлатул Қадрнинг нималиги сен қаердан биласан? Лайлатул Қадр минг ойдан яхшироқдир. Унда фаришталар ва Руҳ Роббининг изни ила барча ишлар учун нозил бўлур. У то тонг отгунча саломдир.

Ушбу сурада Қадр кечасининг бир неча фазилатлари ҳақида айтиб ўтилган.

Қадр кечаси деб аталишига сабаб шуки, бу ном «қадр» сўзининг маъносидан келиб чиққан ҳолда қўйилган. Муфассирлар ушбу «қадр» сўзини миқдор, фазл ва шараф дейишган. Бу кеча қадрининг, шаънининг улуғлигидан шундай номланган. «Фалончининг қадри бор» дегани ўша одамнинг шарафли, фазилатли эканидир.

Ушбу кечадан баҳраманд бўлган банда Аллоҳ таолонинг ҳузурида буюк насиба ва шарафга етишгани сабабли ҳам бу кеча шундай аталган бўлиши эҳтимоли ҳам бор.

Шунингдек, Аллоҳ таолонинг наздида бу кечада қилинган солиҳ амалнинг қадри улуғ бўлгани, савоби улкан бўлгани учун ҳам қадр деб аталган бўлиши мумкин. Бу кечада қилинган солиҳ амал минг ой давомида қилинган шундай амалдан яхшироқдир. Ушбу кеча ҳақидаги мазкур учта фикрнинг учтаси олинган.

Баъзи уламолар бу ердаги «қадр» сўзи тақдир маъносида ҳам келади, дейишган, чунки бу кечада ажал ва ризқни, оламдаги барча воқеаларни ўз ичига олган ҳикматли тақдирлар белгиланиб, амалга ошириш учун фаришталарга топширилади. Бу ҳақда Аллоҳ таоло шундай марҳамат қилади:

Ҳаа Мийм. Очиқ-ойдин Китобга қасамки, Биз уни муборак кечада нозил қилдик. Албатта, Биз огоҳлантирувчимиз. Унда (ўша кечада) ҳар бир ҳикматли иш ажратилиб, ҳал қилинур.

Бу оят ҳақида Ибн Аббос розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган маълумотда шундай дейилган: «Қадр кечаси Уммул Китобдан (Лавҳул маҳфуздан) бир йиллик ризқ, ҳаёт ва ўлим, ёмғир каби ишлар ёзиб олинади. Ҳаттоки кимнинг ҳажга бориши ҳам «Фалончи ҳаж қилади», деб ёзиб қўйилади.

Ушбу кечанинг яна кўп фазилатлари бор:

Биринчи: Бу кечада Қуръони Карим нозил бўлган бўлиб, унда рушду ҳидоятнинг баёни бор. У бандаларни саодат, мулк, фазилат, каромат, одоб ва ахлоқ йўлига ҳидоят қилади. Қадр кечасида Қуръони Карим тўлиқ, жам ҳолида биринчи осмондаги Байтул Иззага (Иззат Уйига) нозил бўлган. Кейин эса мана шу кечадан бошлаб Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга бўлак-бўлак ҳолда, йигирма уч йил мобайнида нозил бўлиб турган.

Иккинчи: «**Лайлатул Қадр минг ойдан яхшироқдир**». Аксар салафи солиҳлар айтганидек, мазкур кечадаги солиҳ амал ва ибодатлар Қадр кечасидан бошқа пайтдаги минг ойлик ибодатдан яхшироқдир. Шунинг учун Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам ўз умматларини бу кечани ғанимат билишга ундаганлар:

هُنَالَيْهِ لَيْلَةُ الْقَدْرِ الْعَزِيزَةِ أَسْرَأَتْ إِلَيْهِ لَيْلَةُ الْقَدْرِ الْعَزِيزَةِ نَزَلَ فِيهَا الْقُرْآنُ كَمَا نَزَلَ فِي الْبَيْتِ الْمَقَامِ

«Ким Лайлатул Қадрни иймон ва ихлос билан қоим бўлиб ўтказса, ўтган гуноҳлари мағфират қилинур».

Бешовлари ривоят қилган.

Бу эса Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳурматларидан Аллоҳ таолонинг Муҳаммадий умматга фазлу карамидир. У Зот бир йил ичида бир кечани берган бўлиб, бу ибодатда кенгчилик бор. Бандалар у туфайли хайр-баракага, ҳидоят ва нурга эришадилар. Биздан аввалги умматлар бу фазилатларга минг йилда ҳам эриша олмаганлар. Шунинг учун бу кеча минг ойдан афзалдир.

Учинчи: **«Унда фаришталар ва Рух Роббининг изни ила барча ишлар учун нозил бўлур».** Бу оятдаги Рухнинг кимлиги ҳақида уламолар турлича фикрлар айтишган. Бироқ, зоҳиран у Жаброил алайҳиссаломдир. Аллоҳ таоло шундай деган:

«Уни Рухул Амийн олиб тушди» (*Шуъаро сураси, 193-оят*).

«Уни иймон келтирганларни собитқадам қилиш учун ва мусулмонларга ҳидоят ва хушxabар этиб Роббингдан ҳақ ила Рухул-қудус олиб тушди», дегин» (*Наҳл сураси, 102-оят*).

«Ва улар билан ўзи орасида тўсиқ қилганида Биз унга Ўз руҳимизни юбордик. У унга бус-бутун одам бўлиб кўринди» (*Марям сураси, 17-оят*).

Ушбу оятлардаги Рух ҳам Жаброил алайҳиссаломдир.

Қадр сурасидаги **«Унда фаришталар ва Рух Роббининг изни ила барча ишлар учун нозил бўлур»** оятида Аллоҳ таоло фаришталардан кейин Жаброил алайҳиссаломни алоҳида зикр қилмоқда. Бу эса у зотнинг мақоми юксаклигидан, шаъни улуғлигидандир. Дарҳақиқат, у зотнинг хос ўринлари бор. Аллоҳ таоло бу ҳақда шундай дейди:

«У қувватли, арш Эгасининг ҳузурда мартабаси олийдир» (*Таквир сураси, 20-оят*).

Демак, фаришталар Рух алайҳиссалом билан бирга Қадр кечаси нозил бўлиб, ҳар бир мўмину мўминага салом берадилар. Кимга бу мукаррам зотлардан салом етса, гуноҳлари мағфират қилинади. Имом Нававий буни Ибн Аббос розияллоҳу анҳудан нақл қилган. Бу кеча фаришта ва Рух Роббининг изни ила йиллик тақдир қилинган, хайр-барака ва раҳмат

бўлган ҳар бир иш учун ерга тушадилар.

Аммо хамрга, маъсиятга муккасидан кетганлар, коҳин ҳамда хусуматчилар бу улуғ зотларнинг саломидан мосуводир.

Тўртинчи: «**У то тонг отгунча саломдир**».

Бу салом – фаришталар ва Рухнинг Аллоҳ таолонинг валийларига, тоат аҳлига, масжид аҳлларига, ҳар бир мўмину мўминага саломидир. Фаришталар уларга салом бериб, уларга Аллоҳ таолонинг саломини етказишади.

Шу сабаб сакина ва тинчлик нозил бўлади, аҳли иймонга омонлик тушади ва бу ҳолат то тонг отгунча давом этади.